

● Кучли давлатдан – кучли жамият сари

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партияларнинг вакиллари билан икки палатали парламентга сайлов масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.



Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловиغا тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб.

Анжуманда «Демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги муаммолар», «Пенитенциар тизимини либераллаштириш масалалари», «Республика солиқ сиёсати», «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалалари», «Божхона соҳасидаги ислохотлар», «Ўзбекистон ташқи сиёсати ва хавфсизлик масалалари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Мамлакатимизда илк бор

ўтказилган икки палатали парламент сайловида сиёсий партиялар иштироки алоҳида аҳамият касб этажаги таъкидланди. Бугунги кунда сиёсий партияларнинг фаолияти учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан бирга бу галги парламент сайловида ҳар бир сиёсий партиянинг иштироки ўзгача бўлади, масъулияти янада ошади. Ҳар бир сиёсий партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни ўз дастури ва устави вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатади. Кўрсатилган номзодлар давлат томонидан парламент сайлови учун ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиши учун масъул.

Учрашувда сиёсий партияларнинг етакчилари ва вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Ў.А.

Туркум семинарнинг навбатдагиси

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида мазкур сиёсий жараёнда йигит-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган «Ёшлар ва сайлов моданити» туркумидagi семинарнинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

«Парламент сайловлари арафасида: ёшлар ва сиёсий партиялар» мавзусидаги бу машғулоти Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этди. Унда сиёсатшунос олимлар ёшларга

сиёсий партиялар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий қафолатлари, сайлов жараёнидаги иштироки, бу борадаги жаҳон тажрибаси ҳусусида сузлаб бердилар.

Б. ХИДИРОВА,
Ў.А. мухбири.

● Савол беринг, жавоб берамиз

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ

Мамлакатимизда икки палатали Парламентга сайловлар бўлиб ўтади, деб эшитаямиз. Бизга уларни сайлаш тартибини тушунтириб берсангиз.

Юсуфхўжа Усмонов,
Чиноз.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистонда икки палатали Олий Мажлисга сайловлар яқинлашмоқда. Олий Мажлисининг куйи — Қонунчилик палатасига сайловларнинг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Қонунда белгилаб қўйилган. Шунга кўра, Қонунчилик палатасининг 120 депутати худудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганда бошланиб, 45 кун қолганда тўхтатилади. Номзодларни сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кўрсатади.

Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат аъзолари маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Сенатнинг 84 аъзосини сайлаш шу тартибда ўтказилади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланади.

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Сайловларда овоз бериш қайси тамойилга кўра амалга оширилади?
Ҳақима РАҲИМОВА,
Оҳангарон шахри.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Қонуннинг 41-моддасида овоз бериш тамойиллари белгилаб қўйилган. Унга биноан сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради. Бюллетенда кўрсатилган номзодлардан фақат биттасининг фамилияси қолдирилади. Шундан кейин овоз беришчи тўлдирилган бюллетенларни сайлов қутисига ташлайди.

Семинар ўз ишини бошлади

Бугун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Марказий Осиё мамлакатларида асбестсентаннинг ҳозирги аҳоли ва истиқболлари бағишланган уч кунлик худудий халқаро семинар иш бошлайди.

У Россиядаги «Хризотил ассоциацияси» ва «Ўзқурилиш» акциядорлик компанияси ташаббуси билан уюштирилляпти.

Семинарда Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистондаги қурилиш, илмий ва лойиҳа ташкилотларининг вакиллари иштирок этадилар. Ушбу

халқаро семинарни ўтказишда мақсад, Марказий Осиё ва МДҲ худудидаги барча давлатларда асбестсентан саноатини ривожлантириш йўллари белгилаш, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жорий қилиш, меъёрий-техник асослар билан таништириш.

Ў.А. мухбири.



— Айни ўйнаб-қуладиган ўсмирлик даврим оғир уруш йилларига тўғри келди, — дейди Бекмирза Холмирзаев бугунгидек тинч, осуда замонга шукрона келтириб. — Тириқчилик важибдан 13-14 ёшимизда катталар билан баравар ишлашга, оилага ёрдам беришга тўғри келган. Узоқ йиллар

турли жойларда, турли лавозимларда ишладим, аммо ҳеч қачон ўз меҳнатимдан ҳозиргидек қониқиб туймаганман. Ўз юртининг маъмурчилиги учун, эл дарди билан яшаш, хизмат қилиш шарафли бўлибгина қолмай, улкан саодат ҳам экан.

Дарҳақиқат, Бекмирза отанинг «тархимаи ҳол»ига

назар солган киши бугунги пиру бадавлат, бахтли ҳаётини фақат меҳнат, кўпнинг хизматига камар-басталик ортидан тоғланган амин бўлади. Ўз фаолиятида кўпни кўрган, оқу қорани яхши таниган, яхшини ёмондан, оқилни нодондан ажрата оладиган отанинг бой тажрибаси бугун маҳалла

Бу йилги пахта ҳосилини нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун вилоят ички ишлар бошқармаси бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Мавсумда жамоат тартибини сақлаш, ҳосилни ёнғиндан асраш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли хизматларга оқиқ вазифалар юклатилди.

Мақсад — нобудгарчиликка йўл қўймаслик

Пахта йиғим-теримидagi вазиятлар ҳақида маълумотлар йиғиш, умумлаштириш ва ахборот бериш, улар таҳлили асосида жамоат тартибини сақлаш юзасидан режа ва қарорлар тайёрлаш, кўрсатмаларни ўз вақтида жойларга етказиб туриш учун тажрибали ходимлардан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Шунингдек, мавсум давомида йиғим-теримни ташкил этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадига масъул ходимлар белгиланди. Ёнғинга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан 12 та пахта тозалаш пункти ва 32 та пахта тайёрлаш шохобчасининг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ текшириб чиқилди. Вилоятнинг 9 та пахта етиштирувчи туманида хашарчилар учун жами 375 та ётоқ жой тўлиқ текширувдан ўтказилиб, белгиланган тартибда далолатномалар тузилди. Ёнғин чиқиши хавфи бўлган 19 та оғиркорхона ва алоҳида хоналар иши тўхтатилиб, 58 та носоз электр қурилмаси ўчирилди, ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузган 59 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, ёнғинга қарши кураш бошқармаси шахсий таркибининг тайёргарлиги, ўт ўчириш техникалари ҳолати тўлиқ текширилди. Ҳосилни йиғиб олишда қатнашадиган ишчилар, ҳайдовчилар ва меҳанизаторларга ёнғиннинг олдини олиш юзасидан йўриқномалар берилди. Шу билан бирга ҳар бир транспорт воситасида учкун сўндиргичлар бўлиши таъминланиб, пахта пунктлари ва майдонларига

ёнғин хавфсизлиги тўғрисида плакатлар ўрнатиб чиқилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мавсум давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир қанча чоралар белгиланди. Юқорида, Бекмирза Холмирзаев ва Уртачирчиқ туманларида 1600 та йўл белгилари ўрнатиш ва яроқсиз ҳолга келган 400 дан ортиқ йўл белгиларини алмаштириш, 107 та пидедалар ўтиш жойини белгилаш ва 300 дан ортиқ қурувларни узайтириш бўйича ҳокимликларга тақдимномалар киритилди. 420 та пахта териш қомбайни, 342 та транспорт воситаси, 2327 та тиркама техника қўриқдан ўтказилиб, ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари, профилактика нозирлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида маҳаллий аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, 109 минг 600 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, талон-тарожликка йўл қўймай йиғиб олишдан иборат.

Собир ХУСАНОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси
Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари,
милиция подполковниги.

● Бугуннинг гапи

Сув, ер, ҳаво, олов...

Бу тўрт унсур асосида ҳаёт ўз маромида давом этади. Биз ҳар кунги ушбу тўрт омилнинг беминнат хизматидан фойдаланамиз. Аммо «Оларнинг бераси бор» деган халқ нақлига гоҳида амал қилмай, ичмиллик суви, газ, электр қуввати ва ердан фойдаланганимиз учун уларнинг ҳақини вақтида тўламаймиз.

Ҳўш, «Тошкентвилостгаз» худудий газ тармоғи корхонасига қарашли «Қўрайтумангаз» филиали «зангори олов» етказиб бериш ва унинг ҳақини ундириш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

Биз ана шу саволларга жавоб излаб Қўрайтумангазга олтандик. Филиал биносига кириб борар эканмиз, идоранинг барча жойи саришта, озода, йўлқаларнинг икки чеккасига ранг-баранг гуллар экилганини кўриб бахри-дилмиз очилди. Ташкилот, идора, корхона раҳбарияти қандай ишлаётганили уларнинг оstonасидан яққол билиниб туради, аслида.

Эшикдан кираверишда қандайдир дарча олдида кўпгина одамларнинг тирбанд эканлигига дуч келдик. Маълум бўлишча, улар газ ҳақини тўлаётган истеъмолчилар экан. Оқиги бундан биз ҳурсанд бўлдик. Баъзи туман ва шаҳарларда газ ҳақини ундира олмай, бу ҳолатни турли важа-қарсонлар билан ифодалашга уринаётганлар учраб турибди.

— Ҳозирги кунда ҳисобимизда 30 минг нафар мижозимиз бор, — дейди «Қўрайтумангаз» филиали раҳбари Искандар Рустамбеков. — Туманининг 98 фоиз худуди газлаштирилган бўлиб, қолган

Йил охиригача ушбу худудларни ҳам тўлиқ газлаштиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Лекин, тўловлар борасида камчиликлар йўқ деб бўлмайди. Муаммоларни вақтида аниқлаб, ўз жойида ҳал этишга ҳаракат қилаямиз. Маҳалла фаоллари, оқсоқоллар ҳамда бизнинг 29 нафар назоратчиимиз аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон соҳиблари билан газ ҳақини вақтида тўлаш зарурлиги, ушбу маблағлар халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишини таъкидламоқдамиз. Бундан таш-

қари, туманимизда чоп этиладиган «Қўрайтумангаз» рўзномаси орқали ҳар ойда газ ҳақини пайсалга солаётган корхона, ташкилот ва фуқароларимиз номи эълон қилиб боришмоқда. Бунинг таъсири ўлароқ, шўйилнинг май ҳолатига бўлган 750 миллион сўм қарздорлик ҳозир 250 миллион сўмга тушди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар ойда 100 миллион сўмлик

қарзнинг ундирилишига эришмоқдамиз.

Туманда 1100 та улғуржи истеъмолчи бўлиб, улардан 105 таси саноат, 995 таси эса маиший корхоналардир. Бу корхоналар бир меъёрга фаолият юритиш учун албатта, «Қўрайтумангаз» хизматидан фойдаланади. Лекин улар орасида ўзлари ишлатган газ ва хизмат ҳақини вақтида тўламай, турли асоссиз баҳоналарни пеш қилишдан нарига ўтолмаётганлар ҳам учраб турибди. Жумладан, вилот «Исқиклик манбаи» бошқармаси газдан беминнат фойдаланган ҳолда 50 миллион сўмлик дебиторлик қар-

● Нишондорларимиз

Ўзимизнинг оқсоқол

Янгийўл туманидаги Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бекмирза Холмирзаевга кунча нишонлаганимиз — Истиқлол байрамимиз арафасида давлатимиз томонидан айнан «Эл-юрт ҳурмати» ордени-

юмушларини адо этишда қўл келмоқда. Ўз қишлоғини, туманини беш қўлдек билладиган Бекмирза ота кимга қандай муомала қилиш, керак бўлса, кимга қаттиқроқ туриб, кимга сал ён бериш лозимлигини ҳам аниқ чамалайди. Кимнинг нима дарди бор, кимга нима зарур, ким нимадан норози, барчасини сезиб, билиб яшайди. Айнан шунинг учун ҳам, бу маҳаллада ортиқча муаммо, гап-сузлар учрамайди. Аксинча, маҳалла аҳли бир-бирига елкадош, маслакдош... Худудда бирор қатта иш бошланса, ёки хашар ташкил қилинса, одамлар тўрт томондан

келиб, «лаббай», деб туришади...

Маҳалла фаровонлиги учун қилинган ободончилик ишлари, маиший хизмат ва савдо шохобчалари, ёшлар учун ташкил этилган маънавий-маърифат масканлари, спорт иншоотларининг бунёд этилишида ҳам Бекмирза Холмирзаевнинг ташкилотчилик хизматлари катта. Хусусий тадбиркор сифатида зарур бўлиб қолса, ўз даромадларининг бир қисmini эл-юрт юмуши учун сарфлашдан аямайди...

Байрам арафасида оқсоқолга ватанимизнинг юксак мукофоти берилиши

маҳалла аҳли учун қўшалок шодиёна бўлди. Бойси, маҳалладагилар давлатимизнинг улкан эътибор ва эътирофи ўз етакчиларининг қучига қуч қўшишини, алал оқибат қўшалари янада обод бўлаётганини яхши билладилар.

Ғайрат ШЕРАПИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА: «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Бекмирза Холмирзаев (ўртада) сафдошлари даврасида.

Даврон АҲМАД
олган сурат.

Корхона мавсумга тайёр

Чиноз пахта тозалаш заводи ва унинг қабул пунктлари янги ҳосилни қабул қилишга пухта ҳозирлик қўриб қўйишди. Барча бўлинмалар ободонлаштирилди. Катта ҳажмда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳар бирига 300-450 тоннадан хом ашё бунтланадиган ҳамма майдонлар тегишланди.

Пахтани узайтиб беришга мўлжалланган ўнга яқин транспортёр сифатли созиланди. Тош-торозилар, ёнғинга қарши фойдаланиладиган асбоб-ускуналар таъмирдан чиқарилди. Лабораториядаги айрим мосламалар замонавийлари билан алмаштирилди. Янги мавсумга ҳозирлик давомида ҳаммаси бўлиб 25 миллион сўмликдан ортиқ муқаммал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ўтган йили туман ширкат ва фермер ҳўжаликлари-дан жами 15 минг тонна хом ашё қабул қилиниб, 5 минг тонна сифатли тола тайёрланди. Германия, Швейцария, Бельгия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлардан тушган бурютмалар

бўйича толаннинг 90 фоизи экспорт қилинди. Қўрилган соф фойда 16 миллион сўмдан ошди.

Бу йил қабул қилинадиган қимматли хом ашё ҳажминини камидан 15,5 минг

тоннага етказиш режалаштирилди. Тайёрланган толаннинг асосий қисми олдинги йиллардагидек, чет элларга етказиб берилади.

— Биз ҳозирда оқсоқ ҳосилни қабул қилишни бошлашимиз мумкин, — дейди корхона бош механиги Абдуазим Халилов. — Бу жараёнда қатнашадиган ишчи-хизматчилар иссиқ овқат



билан таъминланади, шинам дам олиш хоналарида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун имкониятлар яратилган.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТЛАРДА: механик Орифжон Қаландаров (ўртада) ва директор ўринбосари Эргаш Назаров (юқорида); бош механик Абдуазим Халилов (пастда) таъмирланган мосламаларнинг соғлигини синаб қўришмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Рақобатда гап кўп

етиш мобайнида қурилиш меъёрлари ва қондаларига риоя этилмаганликлари кишида ташвиш туғдиради. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Ахир, пудратчи ташкилотлар ўртасида тендер ўтказиб, муаян лойиҳани бажарувчи ташкилот танланмаётганида уларнинг мавжуд имкониятлари — амалдаги қуввати, моддий-техника базаси, мутахассислар ва бинакорларнинг етуқлиги, тажрибаси инобатга олинмайдими? Наҳотки, ана шу биринчи даражали, гоёт муҳим омиллар эътибордан четда қолдирилса?

Яна бир масала — у ёки бу қурилишнинг мураккаблик даражасидир. Бу тендерларни ташкил этишда даввогар қурилиш ташкилотининг умумий салохиятини чуқур, атрофича, синчиклаб ўрганишнинг тақозо этади. Тендер у ёки бу қурилишни амалга ошириш талабгорларининг шунчаки қўриғи бўлиб қолмаслиги керак. Тендерларни ташкил этиш ва ўтказишда озақчилик, енгиш-елли ёндошувларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Яна бир жиҳат — ишлар назоратини қўчайтириш. Афсуски, кўпгина у ёки бу иншоотнинг лойиҳаси тайёр бўлиб, маблағ манбаларига аниқлик киритилиб, тендер

ўтказилиб, пудрат ташкилотлари иш бошлагач, айрим бурютмачилар хотиржам бўлиб қоладилар, қурилишнинг бориши, ишларнинг сифати билан қўзғатиш қўядилар. Акс ҳолда Уртачирчиқ, Паркент, Оҳангарон ва Қўйичирчиқ туманларида фарзандларимиз қамолли йўлида олиб борилаётган ниятда муҳим қурилишлар ўлда-жўлда қолиб кетмасди.

Ва, ниятда, ислохот шунчаки давр тақозоси эмас, балки мамлакатимизда келаятган чуқур, ҳар томонлама янгилашни жараёнларининг талаби эканлигини раҳбар ҳам, оддий меҳнатчи ҳам чуқур аниқлаб етмоғи керак. Бу шунчаки шахл ёки мулк турини ўзгартириш эмас. Жумладан, қурилиш соҳасида ҳам шуларни назарга олиб, капитал қурилишни ислох қилишни янада самарали тус олдириш, соҳада ҳўжалик муносабатлари механизмининг такомиллаштириш, унга бозор муносабатлари талабини, муҳими, амалий рақобат вазиятини чуқур сингдириш асосий вазифалардир. Уларни оғишмай бажариш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сурияларини ошириш, уни давр талаблари даражасига кўтариш сари раван йўллар очилиши таъмин.

Жўрабек МУРОДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

